

11-01/7-son

5 fevral 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг “Ҳоким соати” йиғилиши БАЁНИ

2026 йил 2 февраль

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: **Н.Турсунов - вилоят ҳокими**

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш, хусусан **edo.ijro.uz** платформаси орқали келиб тушган Давлат Раҳбари топшириқларининг ижро ҳолати тўғрисида;

2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни ихтисослаштириш ва аҳолига ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш тўғрисида;

3. “Драйвер” лойиҳалар ва “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурлари (Хатирчи, Нурота туманлари ва 16 та маҳалла) ҳамда оғир туман (Навбаҳор ва Конимех) ва маҳаллалар (12 та) бўйича белгиланган чоратadbирлар ижроси тўғрисида;

4. Ёшлар бандлигини таъминлаш ва оғир тоифадаги ёшлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш тўғрисида;

5. Кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда ҳудудий инвестиция дастурлари ижроси тўғрисида;

6. Бошқа масалалар (Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 декабрдаги 812-сон қарори ҳамда Бош вазир ташифи бўйича имзоланган 4-сонли йиғилиш баёнининг ижроси тўғрисида).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, М.Мамадиярова, Ш.Жумаев, М.Зарипов, У.Назаров, Ю.Матлабов, Д.Эргашев, Н.Рахманов, Н.Жўраев, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, У.Елмуратов, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Хусусан, Учқудуқ тумани ҳокими (Елмуратов)га бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сон қарорига асосан, Учқудуқ шаҳри ҳудудини кенгайтириш бўйича, 73 гектар ер майдони ажратиш мақсадида, ер тоифасини ўзгартириш юзасидан тегишли чораларни кўриши ҳамда олиб борилган ишлар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимига маълумот киритиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор туманлари ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПҚ-52-сон қарори 8-бандига асосан, ушбу туманлар ҳудудидан ўтувчи жами 543 гектар ер майдонларни аукцион савдоларига чиқариб реализация қилиш топшириғи бўйича савдога чиқарилмаган ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш ва ташаббускор тадбиркорларни жалб этиб, лойиҳаларни амалга ошириш ишларини ташкил қилиши алоҳида қайд этилди.

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (Зарипов)га Қизилтепа тумани ҳокими билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПҚ-52-сон қарори 10а-илоvasида белгиланган Қизилтепа тумани “Маликобод” маҳалласидаги кичик саноат зонасига электр энергияси тармоқларини тортиш учун “Драйвер” лойиҳалар доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштир ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича бир ҳафта муддатда вилоят ҳокимлигига маълумот киритиши таъкидлаб ўтилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ниёзов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев)га Давлат Раҳбарининг edo.ijro.uz платформаси орқали ижроси назоратга олинган ҳужжатларидаги 2025 йил декабрь ойида бажарилмаган 13 та ва 2026 йил январь ойида бажарилиши белгиланган 4 та топшириқлар ижросини якунига етказиш бўйича барча зарурий чораларни кўриши тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш масалалари муҳокама қилиниб, масъулларга тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоятда 2026 йилда 28,5 минг нафар фуқароларни доимий ишга жойлаштириш ва 145,8 минг нафар аҳоли даромадини ошириш бўйича масъул вилоят бошқармалари кесимида график ишлаб чиқиб тасдиқлаш ҳамда жорий ҳафта якунига қадар график асосида тегишли масъулларнинг тақдимот ва ҳисоботлари эшитилишини ташкиллаштир топшириғи берилди.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев) ишсизлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳисобот шакллари ишлаб чиқиб, кунлик мониторингини юритиб бориши алоҳида қайд этилди.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Раубаева)га туман (шаҳар) ҳокимларининг аҳоли билан ўтказадиган сайёр қабуллари тўғрисида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълонлар бериб бориши ҳамда вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар бўлими (Абдиазизов)га туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ўтказилган сайёр қабуллар натижадорлиги юзасидан ҳар ойда камида 2 маротаба ўрганишлар ўтказиб, вилоят ҳокимига таҳлилий маълумотлар киритиб бориши тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига ўзларининг ўринбосарлари ҳамда бириктирилган масъуллар билан биргаликда 145,8 минг нафар аҳоли даромадини ошириш ва 34,8 минг та соядан чиқарилиши режалаштирилган иш ўринлари бўйича шахсан шуғулланиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ой якуни билан ҳисоботлари эшитилиши ҳамда аҳолига ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида, қайта хатлов ўтказиш, самарасиз фойдаланилаётган ер майдонларини захирага қайтариш ва ёшларга ажратиш чораларини кўриб бориши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, йиғилишда 2025-2026 йилларда ишга тушириладиган “драйвер” лойиҳаларнинг ижроси муҳокама қилиниб, 2025 йилда 32 та объектда қурилиш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилганлиги, 3 та объектда қурилиш ишлари бошланмаганлиги, 2 та объектда қурилиш ишлари якунланмаганлиги, 2026 йил “драйвер” лойиҳаларнинг 23 та объектда лойиҳачи ташкилоти аниқланганлиги, 29 та объектда лойиҳа ишлари бошланмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Жумаев), “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (Ботиров), “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (Назаров), “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК (Тўраев), “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (Исмоилов), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ

Навоий филиали (Зарипов) ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига фойдаланишга топширилиши кечиккан объектларни қурилиш ишларини жадаллаштириб, белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлаш, лойиҳаларнинг лойиҳачи ташкилот аниқланмаган барча объектлар бўйича танлов (тендер) жараёнларини якунлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда “Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги 2 та туман ва 16 та маҳаллаларда, “оғир” туман ва 12 та оғир маҳаллаларда, 13 та ҳоким маҳаллаларида амалга оширилиши белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилиниб вилоят ҳокими ўринбосарлари (Сулаймонов, Ниёзов)га, туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилиш кун тартибида, Ёшлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш, ёшлар орасида салбий ҳолатларни олдини олиш борасида масъулларга тегишли вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди.

Учқудуқ туманида 89 нафар, Навбаҳор туманида 162 нафар, Хатирчи туманида 296 нафар, Карман туманида 136 нафар, Навоий шаҳарда 127 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланмасдан қолаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (Облоқулов)га, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га, вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси (Қаюмов)га туман (шаҳар) ҳокимликларига билан биргаликда маҳаллаларда рўйхатга олинган ишсиз ёшларнинг ҳар бир билан шахсан учрашиб, ушбу ёшларга муносиб иш ўринлари таклиф этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Туман (шаҳар) ҳокимликларига ва тегишли масъулларга аниқланган ишсиз ёшларни “Бандлик дастури”га киритиб, уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш вазифалари белгилаб берилди.

Вилоят ўринбосари (Ходжаев)га ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимига ҳар ҳафта ахборот киритиб бориш вазифаси топширилди.

Йиғилиш кун тартибида вилоятдаги кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, лойиҳаларни амалга ошириш, муаммоларни бартараф этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан умумий қиймати 420,7 млрд.сўмлик 97 та (35 фоиз) инвестиция лойиҳалар ишга туширилиб,

1056 та янги иш ўринлари яратилганлиги, умумий қиймати 288,5 млрд.сўмлик 178 та (65 фоиз) лойиҳалар ишга туширилиши кечикаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига саноат зоналари бўйича ишларни тизимли ташкил этиш, ҳар бир лойиҳалар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш, “аукциондан-тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида ишларни ташкил қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг ижроси, муҳокама қилиниб, 2026 йил ишга тушиши режалаштирилган Навоий шаҳридаги 6 та, Кармана туманидаги 5 та лойиҳа истиқболсиз деб топилганлиги, Бизнесни ривожлантириш банки ва Ҳамкор банк томонидан 3 тадан лойиҳаларга зарур кредит маблағлари ажратилмаганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг ижроси, бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (Азимов)га Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Шарапов)га, тижорат банклари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ўн кун муддатда 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ҳудудий инвестиция лойиҳаларини Ишчи гуруҳ тузган ҳолда жойига чиқиб ўрганиб чиқиш вазифаси топширилди.

Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (Азимов)га бир ҳафта муддатда 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ҳар бир ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ишга туширилишини чорақлар кесимида тақсимлаб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимига киритиш топшириғи берилди.

Йиғилишда, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган топшириқлар ижросини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 812-сон қарори қарори ҳамда Бош Вазирнинг вилоятга ташрифи баённомасида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилиниб, туман (шаҳар) ҳокимликларига ва масъулларга топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари тегишли корхона (ташкилот) раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда:

Давлат Раҳбарининг назоратда турган топшириқлари ижросини ўз вақтида сифатли тарзда таъминлаб, электрон тизимдан назоратдан чиқарилиши бўйича барча зарурий чораларни кўриб борсин;

2025 йилда рад этилган ва бажарилиши лозим бўлган 13 та, шундан Туризм комплексида 4 та, Қишлоқ ва сув хўжалиги комплексида 3 та, Иқтисодиёт ва Қурилиш комплексларида 2 тадан, Инвестиция ва Ижтимоий комплексларида 1 тадан;

жорий йилнинг январь ойида бажарилиши лозим бўлган 4 та, шундан Қурилиш комплексида котибиятида 2 та, Иқтисодиёт ва Инвестиция котибиятларида 1 тадан топшириқларни **уч кун муддатда** охирига етказиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот берилсин.

Жорий йилнинг **февраль ойида** бажарилиш лозим бўлган Давлат Раҳбарнинг жами 86 та (*шундан Иқтисодиёт комплексида 31 та, Ижтимоий комплексида 18 та, Қурилиш комплексида 15 та, Қишлоқ ва сув хўжалиги комплексида 8 та, Туризм комплексида 3 та, Ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар гуруҳида 7 та*) топшириқларини бажариш муддатларини кутмасдан, ҳозирдан бошлаб ишларни ташкил этиб, ўз вақтида назоратдан чиқариб борилсин.

Вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) муаммоли топшириқлар бўйича муддат узайтириш ва назоратдан чиқариш юзасидан Адлия вазирлигига киритилган таклифларга ижобий хулосалар олинишида амалий кўмаклашсин.

2. Вилоят Касбий таълим бошқармаси (**Қаландаров**):

туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда таълим тизимини ривожлантириш ҳамда моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Дастур ишлаб чиқсин ҳамда **жорий ҳафта якунига қадар** вилоят ҳокими ҳузурида **тақдимот** ташкил этилиши белгилаб қўйилсин;

Миграция агентлиги вилоят филиали (**Болтаев**) билан ҳамкорликда хорижда меҳнат қилиш истаги бор бўлган фуқароларни ўқитиш ишларини тизимли йўлга қўйсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

3. Учқудуқ тумани ҳокими (**Елмуратов**) **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сон қарорига асосан, Учқудуқ шаҳри ҳудудини кенгайтириш мақсадида, 73 гектар ер майдони ажратиш мақсадида, ер тоифасини ўзгартириш бўйича тегишли чораларни кўрсин ҳамда олиб борилган ишлар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимига маълумот киритсин.

4. Кармана (**Болтаев**), Конимех (**Рўзиев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**) туманлари ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПҚ-52-сон қарори 8-бандига асосан, Кармана, Қизилтепа, Конимех ва Навбаҳор туманларидан ўтувчи жами 543 гектар ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариб реализация қилиш топшириғи бўйича савдога чиқарилмаган ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш ва ташаббускор тадбиркорларни жалб этиб, лойиҳаларни амалга ошириш ишларини ташкил қилсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

5. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Зарипов**), Қизилтепа тумани ҳокими (**Бобомуродов**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПҚ-52-сон қарори 10а-иловасида белгиланган Қизилтепа тумани “Маликобод” маҳалласидаги кичик саноат зонасига электр энергияси тармоқларини тортиш учун “Драйвер” лойиҳалар доирасида маблағ ажратилганлигини инобатга олган ҳолда қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштирсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), Агросаноатни ривожлантириш агентлиги вилоят бўлими (**Жумақулов**), Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) **беш кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПҚ-132-сонли қарорига асосан, Хатирчи тумани “Пулканшоир” массивидаги 100 гектар ер майдонларида интенсив боғлар ташкил этиш топшириғи бўйича таклифлар ишлаб чиқиб киритсин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**):

бир кун муддатда вилоятда 2026 йилда **28,5 минг нафар** фуқароларни доимий ишга жойлаштириш ва **145,8 минг нафар** аҳоли даромадини ошириш бўйича масъул вилоят бошқармалари кесимида график ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда **эртадан бошлаб, жорий ҳафта якунига қадар** график асосида тегишли масъулларнинг тақдимот ва ҳисоботлари эшитилишини ташкиллаштирсин;

бир кун муддатда вилоят ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида аҳолини доимий ишга жойлаштириш, даромадини ошириш ҳамда норасмий иш ўринларини расмийлаштиришга масъул бўлган идора ва ташкилотлар ҳамда тижорат банклари вакилларида иборат **Штаблар** фаолияти йўлга қўйилсин;

уч кун муддатда вилоятдаги **12552 нафар** ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида, ойма-ой график ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимида киритсин ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига ва бириктирилган масъулларга етказилсин;

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) билан биргаликда ишсизлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳисобот шакллари ишлаб чиқиб, кунлик мониторингини юритиб борсин.

8. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**) туман (шаҳар) ҳокимларининг аҳоли билан ўтказадиган сайёр қабуллари тўғрисида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълонлар бериб борилишини назоратга олиб, ушбу топшириқ ижроси бўйича **ҳар ҳафтада** вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин.

9. Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**) туман (шаҳар) ҳокимликларидан тасдиқланган сайёр қабуллар графигини олиб, **ҳар ойда камида 2 маротаба** ўтказилган сайёр қабуллар натижадорлиги юзасидан ўрганишлар ўтказиб, вилоят ҳокимига таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

10. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Зоҳидов)га вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси фаолиятини ўрганиш, Президент ва Ҳукумат топшириқлари ижросини самарали ташкил қилиш ҳамда бошқармада тартиб-интизомни янада кучайтириш масаласида вилоят ҳокими номидан хат киритилишини таъминласин.

11. Туман (шаҳар) ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бириктирилган масъуллар бугундан бошлаб 145,8 минг нафар аҳоли даромадини ошириш ва 34,8 минг та соядан чиқарилиши режалаштирилган иш ўринлари бўйича шахсан шуғулланиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ой якуни билан ҳисоботлари эшитилиши таъминлансин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

12. Кармана (**Болтаев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари **уч кун муддатда** қўшимча равишда 20 гектардан **“Бир-контур бир-маҳсулот”** тамойили асосида экин экиладиган контурларни белгилаб, дастурга киритиш учун вилоят ҳокимлиги (Р.Сулаймонов)га ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасига тақдим этсин.

13. Туман ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** аҳолига ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида, қайта хатловдан ўтказиб самарасиз фойдаланилаётган ер майдонларини захирага қайтариш ва ёшларга ажратиш чораларини кўриб борсин.

Олиб борилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимлигига маълумот киритиб бориши белгилаб қўйилсин.

14. “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Ботиров**):

ўн кун муддатда “драйвер” лойиҳалар доирасида Хатирчи тумани “Дамариқ” МФЙ ҳудудидан ўтувчи “Оқдарё” дарёси бўйида 1,2 км масофада соҳил **бўйи фаввора (фонтан) ўрнатиш** объекти бўйича пудратчи ташкилотини аниқлаш ҳамда шартнома тузиш;

10 февралга қадар Навбаҳор тумани марказидан ўтган “Конимех” канали бўйидаги 1 км масофада соҳил бўйида **фаввора (фонтан) ўрнатиш**;

ўн кун муддатда Конимех тумани марказидаги 5 гектар ер майдонда жойлашган “Истироҳат боғи”ни таъмирлаш ва замонавий қиёфага келтириш;

ўн кун муддатда Хатирчи тумани “Самарқанд” ва “Парахун” МФЙлар ўртасидаги “Мустақиллик” кўчасининг 1,4 км қисмини тун-у кун фаолият олиб борадиган 24/7 режимга ўтказиш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш;

Навоий шаҳар “Дўстлик” МФЙ ҳудудидаги И.Каримов кўчаси 1,4 км қисмида туризм кўчасини ташкил этиш учун 34 дона замонавий ўриндиқлар ташкил этиш, телефонни қувватлантириш, интерактив экранлар ўрнатиш объекти бўйича **жорий йил 10 февралга қадар** пудратчи ташкилотни аниқлаш ишларини якунига етказсин.

15. “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (Назаров) 10 февралга қадар:

Навбаҳор тумани “Конимех” канали соҳил бўйида “яшил” сайилгоҳ ташкил этиш учун ариқларни бетонлаштириш ишларини якунлаш;

Қизилтепа тумани “Ифтиҳор” МФЙ “Қуйимозор” массиви ҳудудида 30 гектар ер майдонда “Чорвачилик микромаркази”ни ташкил этиш бўйича пудратчи ташкилотини аниқлаш ҳамда шартнома тузиш;

Учқудуқ тумани “Ўзунқудуқ” ОФЙ ҳудудида “Марказий Қизилқум” чўлида “Қанорбой ота” зиёратгоҳи атрофига уй меҳмонхоналарини ташкил этиш учун 1 дона **артезиан қудуқ қазииш** (насос билан бирга) бўйича **пудратчи ташкилотларни аниқлаш** ишларини якунига етказсин.

16. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Ботиров**), “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (**Назаров**), “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК (**Тўраев**), “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (**Исмоилов**), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Зарипов**):

2026 йилда ишга тушириладиган **“драйвер”** лойиҳаларнинг лойиҳачи ташкилот аниқланмаган барча объектлар бўйича **ўн кун муддатда** танлов (тендер) жараёнларини якунлаш;

лойиҳа ишлари бошланмаган объектлар бўйича аниқ иш графикларини тасдиқлаб, ишларни жадаллаштириш чораларини кўрсин.

17. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов**), туман (шаҳар) ҳокимлари, буюртмачи корхоналар раҳбарлари ҳамда тегишли масъуллар иштирокида **уч кундан сўнг** “драйвер” лойиҳалар бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан вилоят ҳокими ҳузурида ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилсин.

18. Туман ҳокимлари беш кун муддатда:

“Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги туманлар ва маҳаллаларнинг “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурларини;

2026 йилда туманни ҳамда маҳаллаларни комплекс ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамаларига киритсин.

Бунда, лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида жамоатчиликка очиқлаш, фуқаролар, тадбиркорлар ва маҳалла фаолларининг таклифларини инобатга олиш;

аҳолидан келиб тушган таклифлар асосида лойиҳаларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда амалга оширилаётган ишлар юзасидан очиқликни таъминлаш чоралари кўрилсин.

19. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) билан биргаликда туман ҳокимлигининг 2026 йил иш режаларини қайта кўриб чиқсин.

20. Кармана тумани ҳокими (**Болтаев**) туманнинг ҳар бир маҳалласини яна бир бор ўрганиб чиқиб, улардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриб борсин.

21. Учқудуқ тумани ҳокими (**Елмуратов**), туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** тумандаги ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминламаса уларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши бўйича **огоҳлантирилсин**.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ж.Ходжаев бир кун муддатда** Учқудуқ туманидаги ишсиз ёшлар бўйича ўрганиш ўтказиб, туман ҳокимининг берган ҳисоботиغا аниқлик киритиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига маълумот киритсин.

22. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**) Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облоқулов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**) билан биргаликда ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича маҳаллалар кесимида ишларни манзилли ташкил этсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳокимига **ҳар ҳафта** ахборот киритиб борсин.

23. Туман (шаҳар) ҳоқимлари тегишли масъуллар билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш бўйича киритилган маълумотларни қайта кўриб чиқсин ҳамда **февраль ойи якунига қадар** ишсиз ёшларни ҳамда ўзини-ўзи банд қилиб, аслида ишсиз бўлган ёшларнинг бандлигини тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

24. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) **уч кун муддатда** ҳар бир ёшнинг бандлиги таъминланганлиги бўйича солиқ идоралари маълумотлари билан солиштириб, вилоят ҳоқимлиги (**Ж.Ходжаев**)га тақдим этсин.

25. Вилоят ҳоқими ўринбосари (**Ходжаев**) ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ишларни қаттиқ назоратга олиб, амалга оширилган ишлар юзасидан **ҳар ҳафта** вилоят ҳоқимига маълумот киритиб борсин.

26. Вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**)га **бир ҳафта муддатда** ҳудудларда ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича масъуллар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳаққонийлигини танқидий ўрганиб, ўрганиш якунлари бўйича тайёрланган видеоматериалларни вилоят ҳоқимига киритиш тавсия этилсин.

27. Навоий шаҳар ҳоқими (**Эргашев**) тегишли масъуллар билан биргаликда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

Бунда, шаҳар прокурори (**Облақулов**) **бир ҳафта муддатда** ишсиз ёшлар бандлигини таъминлашда ёлғон маълумот берганларга нисбатан қонун устуворлигини таъминлаб, кўрилган чоралар бўйича вилоят ҳоқимлигига ахборот киритсин.

28. Хатирчи тумани ҳоқими (**Адизов**) тумандаги ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича сўров тизимини янада кучайтирсин ҳамда **уч кун муддатда** ёлғон маълумот берганларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чораларини кўриб, натижаси бўйича вилоят ҳоқимлигига ахборот киритсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

29. “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” ДУК (**Умаров**)га Хатирчи туманида ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминлаш бўйича ҳаққоний ҳолатни ўрганиб, мавжуд ҳолатни газетанинг навбатдаги нашрларида ёритиш тавсия этилсин.

30. Миллий гвардиянинг вилоят бошқармаси (**Тоиров**), Мудофаа ишлари (**Қобилов**), Ички ишлар (**Тасбаев**), Фавқулодда вазиятлар (**Эшонов**) бошқармалари, вилоят прокуратураси (**Муллажонов**) ҳамда туман (шаҳар) ҳоқимлари:

ўзларига ва тизим ташкилоти раҳбарларига бириктирилган **“Оғир”** тоифадаги ёшлар билан манзилли ишларни тизимли ташкиллаштиради;

бир ҳафта муддатда ёшлар билан шахсан учрашиб, уларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш билан бирга, соғломлаштириш, аynиқса жиноят йўлига қайта кириб қолмаслиги учун қаттиқ назорат ўрнатсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

31. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов):

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** вилоятдаги ҳар бир кичик ва ёшлар саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимига киритиши бўйича берган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

бир кун муддатда Хатирчи тумани кичик ва ёшлар саноат зонасидаги фаолиятини тўхтатган "PROM SERVIS UMID" ХК ва "ONE STEP SOLUTION" МЧЖ раҳбарлари билан шахсан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиб, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб киритсин;

32. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Жумаев) бир ҳафта муддатда лойиҳалар жойлаштирилган ҳамда ишга тушган ва қурилиш ишлари давом этаётган вилоятдаги кичик ва ёшлар саноат зоналарини муҳандислик коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш юзасидан аниқ ҳисоб-китоблар асосида таклифлар ишлаб чиқиб киритсин.

33. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

кичик ва ёшлар саноат зоналаридаги қурилиш ишлари бошланмаган лойиҳаларда қурилиш ишларини ташкил этиш, аукцион савдоларида турган лотларга ташаббускорларни жалб этиш, савдоларга чиқарилмаган лотларни аукцион савдоларига чиқариш;

лойиҳаларининг фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, лойиҳаларни амалга ошириш, муаммоларини бартараф этиш;

ҳар ой якуни билан саноат зоналарида лойиҳаларни батафсил таҳлилини ўтказиб бориш, ишлаб чиқариш ҳажми камайган, қурилиш ишлари суст бораётган ва тўхтаб қолган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш чораларини кўриб борсин;

бир ой муддатда жисмоний шахс сифатида ер майдонларини олиб қурилиш ишларини олиб бораётган тадбиркорларни юридик шахс мақомга ўтказиш ва лойиҳаларни ишга тушириш ишларини тезлаштириш чораларини кўрсин.

34. “Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича ягона дирекцияси” ДМ (Матлабов):

туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ҳудуддаги кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини ўрганиб улардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда лойиҳаларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаб вилоят ҳокимига киритиб борсин.

Ушбу масала **ҳар ойда бир марта** вилоят ҳокимлигида ўтказиладиган йиғилишда муҳокама қилиб борилиши белгилаб қўйилсин.

Назорати **Э.Ғаффоровга**.

35. Вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**):

бир ҳафта муддатда 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ҳар бир ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ишга туширилишини чораклар кесимида тақсимлаб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимига киритсин.

Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**), тижорат банклари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **ўн кун муддатда** 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ҳудудий инвестиция лойиҳаларини Ишчи гуруҳ тузган ҳолда жойига чиқиб ўрганиб чиқсин;

Бунда, ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг белгиланган муддатларда ишга туширилмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра бажарилмаслик ҳолатлари кузатилса, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, тижорат банклари раҳбарларига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда кескин чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин.

Назорати **Э.Ғаффаровга**.

36. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) вилоятнинг жорий йилги ҳудудий инвестиция дастури белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича масъуллар билан мунтазам муҳокамалар қилиб борсин.

37. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**):

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган топшириқлар ижросини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 812-сон қарори йўл харитасининг 4-банди ижроси бўйича **бир ҳафта муддатда** Ғозғон шаҳри ҳудудида аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши ҳамда маъмурий марказини яратишга қаратилган истироҳат боғини барпо этиш учун тегишли ер майдонини ажратиб бериш мақсадида шаҳарнинг **бош режасини ишлаб чиқиш**;

“Навоий иссиқлик манбаи” ДУК (**Буриев**) билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 декабрдаги 812-сон қарори йўл харитасининг 10.4 -банди ижроси таъминлаш мақсадида “Янги Навоий” шаҳарчаси иссиқлик таъминоти тизими объектлари қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ишларини якунлаш;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), Навоий давлат университети (**Калонов**) билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 декабрдаги 812-сон қарори йўл харитасининг 13.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий давлат университетининг 2400-ўринли талабалар ётоқхонаси биноларини Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорида белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиш бўйича таклифлар тайёрлаб вилоят ҳокимига киритиш;

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Зарипов**) билан биргаликда “Навоий” ЭИЗ ҳудудида барпо этилаётган лойиҳаларни зарур электр энергияси билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

38. Ғозғон шаҳар ҳокимлиги (**Жўраев**) Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 декабрдаги 812-сон қарори йўл харитасининг 5-банди ижроси таъминлаш мақсадида Ғозғон шаҳрига олиб борувчи автомобиль йўли бўйида ҳамда янги қурилаётган ҳокимият биноси рўпарасидаги бўш ер майдонларида “Хитой тажрибаси” асосида яшил ҳудудларни ташкил этсин.

39. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мирзаев**), Маданий мерос агентлигининг вилоят бошқармаси (**Қолдиқулов**) Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 декабрдаги 812-сон қарори йўл харитасининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида, **уч кун муддатда** Ғозғон шаҳри “Шайхон” маҳалласидаги “Шоҳимардон” зиёратгоҳини реставрация қилиш ишларни жадаллаштириш ҳамда зарур маблағларни ажратиш юзасидан Маданий меърос агентлиги раҳбарияти билан гаплашиб ишларни ташкил қилсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот берсин.

40. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**):

2026 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини шарбат билан суғориш учун **“Зарбдор 10 кунлик”** деб эълон қилинсин;

амалга оширилган ишлар бўйича вилоят ҳокимига маълумот (фотоальбомлари билан) киритиб борсин;

вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Қобилов**), Яйлов хўжаликлари бошқармаси (**Халилов**), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси (**Турсунов**), Санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг вилоят бошқармаси (**Азимов**), Кармана (**Болтаев**), Конимех (**Рўзиев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда **ўн кун муддатда** 2026 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини шарбат билан суғориш учун гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит (нури) чиқариш чораларини кўрсин.

41. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Қобилов**) билан биргаликда **ўн кун муддатда** “Шинжон” усулида пахта ҳосилни етиштириш мақсадида чигит ва зарур маҳсулотлар захирасини тўлиқ яратиб, ахборот берсин.

42. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев